

АРАБОВ Нурали Уралович

Самарқанд давлат университети доценти,
иқтисод фанлари номзоди

МЕҲНАТ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК КОНЦЕПЦИЯСИ

УДК 331.5.024.5

АРАБОВ Н.У. МЕҲНАТ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Ушбу мақолада иқтисодийнинг инновацион ривожланиши шароитида республикамиз меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг ҳудудлар бўйича параметрларини тизимли истиқболлаштириш ва мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари келтирилган.

Таянч иборалар: меҳнат бозори инфратузилмаси, иш билан бандлик хизмати, баҳолаш кўрсаткичлари, ишга жойлаштириш, эконометрик модел, меҳнат салоҳияти, ишсизлик даражаси.

АРАБОВ Н.У. СТРАТЕГИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ РЫНКА ТРУДА

В данной статье определены направления совершенствования механизмов мониторинга и системного прогнозирования региональных показателей повышения эффективности развития инфраструктуры рынка труда республики в условиях инновационного развития экономики.

Ключевые слова: инфраструктура рынка труда, служба занятости, показатели оценки, трудоустройство, эконометрическая модель, трудовой потенциал, уровень безработицы.

ARABOV N.U. STRATEGIC CONCEPT OF LABOR MARKET INFRASTRUCTURE DEVELOPMENT EFFICIENCY INCREASING

There is revealed in the article directions of regional labor market infrastructure development efficiency increasing in conditions of innovative development of economy as well improving monitoring and systematic forecasting mechanism.

Keywords: labor market infrastructure, employment services, assessment indicators, job placement, econometric model, labor potential, unemployment level.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш кўрсаткичларини истиқболлаштириш бўйича бир қатор мураккаб ва кўп қиррали вазифаларни қўяди. Давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини истиқболлаштириш республикамиз меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожланишини белгилаш ва унинг аниқ параметрларини ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ"¹. Шунга кўра, мамлакатимизда "янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори муносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш"² долзарб масала ҳисобланади.

Республикамиз ёки унинг танлаб олинган ҳудудидаги меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари самарадорлиги унинг истиқбол кўрсаткичлари ёрдамида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари, концепциялари ва амалга ошириладиган чора-

тадбирларнинг аниқ йўналишлари белгиланади. Шунинг учун белгиладиган истиқбол кўрсаткичлари аниқлик, ҳисоб-китобли, асосланганлик, текширилганлик ва кўп омиллик каби хусусиятларга эга бўлиши керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти

дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари тизимига махсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган³.

О. Колесникованинг "Об оценке эффективности работы службы занятости" мақоласида меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси даражалари ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган⁴.

С. Смирновнинг "Методы оценки государственной политики занятости" мақоласида иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиё-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).

² "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.

³ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. -512 б.

⁴ Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55 - 56.

сатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолини самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тадқиқ этилган¹.

Холмўминов Ш.Р. ва Арабов Н.У.ларнинг “Меҳнат бозори инфратузилмаси” ўқув қўлланмаларида меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланган. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган².

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг ҳудудлар бўйича параметрларини тизимли истиқболлаштириш ва мониторинг қилиш механизмларини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштира таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида аҳолининг оқилона иш билан бандлигини таъминлаш учун самарали иқтисодий ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни ижросини таъминлаш алоҳида муҳим

¹Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости // Вопросы статистики. - 1998. - № 4. - С. 29-34.

²Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. 150-155 б.

ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими эса иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолати ҳамда кўламини аниқлашда ишончли усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини эконометрик таҳлили иқтисодий-математик усуллар воситасида мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик кучини тадқиқ этиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш ва тажриба орқали кузатиш имконини берди. Бу эса келгусида мазкур бозор инфратузилмасини истиболлаштириш асосида уни ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепциясини аниқлаш учун шарт-шароит яратди.

Таҳлил ва натижалар

Республикаимиз иқтисодиётида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши бевосита меҳнат бозорининг самарали ривожланишига, унинг таркибий-миқдорий ва сифат кўрсаткичларига таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг рационал параметрларини аниқлаш бўйича ҳисобкитоблар 2016 йил ва истиқболдаги 2017-2021 йиллар учун ўтказилди. Бунинг учун 2001-2016 йиллардаги мамлакат асосий макроиқтисодий ва статистик кўрсаткичлари ҳамда Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган дастури ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури асосида мамлакатимиз макроиқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, биз томонидан ўтказилган социологик таҳлил натижалари ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори маълумотлари асосида тузилган кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, БКМларида иш билан банд бўлмаган

1-жадвалю Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш марказларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш даражасига таъсир этувчи омилларнинг 2017-2021 йиллардаги истиқбол кўрсаткичлари¹

№	Омиллар номи	Прогноз учун энг қулай функция	Фишер F-коэф.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	БКМ*	$Y = -80,953 + 0,008 \times X_2 - 4,528 \times X_4 - 1,249 \times X_5 + 2,068 \times X_9 + 1,855 \times X_{10}$	137,62	94,6	95,0	95,3	96,2	96,8
2.		$X_2 = -221,853 + 329,7 * \ln(t)$	51,396	712,3	731,1	748,9	765,8	781,9
3.		$X_4 = 4,887 * t^{0,194}$	2,389	5,1	4,8	4,6	4,4	4,4
4.		$X_5 = 3,847 * t^{0,122}$	61,732	5,4	5,5	5,5	5,5	5,6
5.		$X_9 = 82,6773 + 0,589 * \ln(t)$	575,695	93,0	93,1	93,2	93,4	93,6
6.		$X_{10} = 1,923 + 0,162 * t$	44,248	4,7	4,8	5,0	5,2	5,3

*БКМ (Бандликка кўмаклашиш маркази)ларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғи, (%).

фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғи $Y(t)$ га қуйидаги омиллар бевосита таъсир кўрсатади (5.1):

$$Y = -80,953 + 0,008 \times X_2 - 4,528 \times X_4 - 1,249 \times X_5 + 2,068 \times X_9 + 1,855 \times X_{10}, \quad (5.1)$$

бу ерда: X_2 – ишсизлар сони (минг киши); X_4 – ишсизлик даражаси (%); X_5 – корхоналардан бўшатишган ходимларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилган даражаси (%); X_9 – иш билан бандлик хизматига томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси (%); X_{10} – ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонидан касбга йўналтириш бўйича шахсларга кўрсатилган хизматлар ҳиссаси (%).

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, истиқбол қилинаётган даврда (2017-2021 йилларда) республикамиз БКМла-

рида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш ҳажми 2,2 %га ошади. Иқтисодийни модернизациялаш даврида ишсизлар сони (9,8%), корхоналардан бўшатишган ходимларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилган даражаси (0,2%), иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси (0,6%) ва ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонидан касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатилган шахслар ҳиссаси (0,6%)нинг ошишига ҳамда ишсизлик даражаси (0,7%)нинг пасайишига эришилади.

Яқин келажакда мамлакатимиз меҳнат бозорида юзага келадиган юқоридаги вазиятлар Республикамизда аҳолининг истиқболдаги динамикаси, шунингдек, унинг таркибида меҳнат ресурслари ва иш билан банд бўлганлар сони каби кўрсаткичларнинг сўнгги йиллардаги динамикаси асосида юзага келади.

¹Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони, бандлик ва ишсизликнинг истиқболдаги кўрсаткичлари¹ (минг киши)

Кўрсаткичлар	2016 й. (ҳисобот)	Истиқболдаги давр					2021 йилда 2016 йилга нисбатан,	
		2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	% да	+ ; -
Аҳолининг ўртача йиллик сони	32121,0	32567,6	33209,1	33863,2	34530,2	35210,3	109,6	3089,3
Меҳнат ресурслари сони	18492,6	19332,2	19717,7	20109,4	20507,2	20911,9	113,1	2419,3
Иқтисодий фаол аҳоли	14022,4	14562,3	14921,3	15288,7	15664,2	16048,3	114,4	2025,9
Банд бўлган аҳоли сони	13298,4	14711,0	15189,8	15684,3	16194,8	16722,0	125,7	3423,6
Ишга жойлаштириш бўйича БКМларига мурожаат қилганлар сони	266,2	301,4	273,7	248,5	225,7	204,9	77,0	-61,3
Ишга жойлаштирилганлар сони	248,2	286,1	262,8	241,3	221,7	203,6	82,0	-44,6
Ишсизлик даражаси, % да	5,2	4,8	4,6	4,4	4,4	4,4	84,6	-0,8

2-жадвалдан кўриниб турибдики, агар Ўзбекистон Республикасида 2021 йилга келиб, аҳоли сони 2016 йилдагига нисбатан 19,6% ёки 3089,3 минг кишига ортадиган бўлса, шу даврда меҳнат ресурслари сони ҳам 13,1% ёки 2419,3 минг кишига, иқтисодий фаол аҳоли сони 14,4% ёки 2025,9 минг кишига ва иш билан банд бўлган аҳоли эса 25,7% ёки 3423,6 минг кишига ошади. Бундай кўрсаткичлар истиқболлаштириш даврида мамлакат меҳнат ресурсларининг йилига ўртача камида 2,0% дан юқори ўсиши натижасида рўй беради. Шунингдек, истиқболлаштириш даврида Ишга жойлаштириш бўйича БКМларига мурожаат қилганлар сонинг 61,3 минг кишига камаиши, ишга жойлаштирилганлар сони 44,6 минг кишига камаиши ҳамда ишсизлик даражасининг 0,8%га камайиши кутилмоқда.

Республикамиз бўйича меҳнатга муҳтож шахсларни аниқлаш хусусида амалга оширилган мониторинг ва унинг натижаларини

истиқболлаштириш асосида тузилган 3-жадвал маълумотлари ёрдамида Ўзбекистондаги иқтисодий фаол аҳоли, ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар ҳамда ишсизлик даражаси истиқболлини таҳлил қиламиз.

Умуман олганда, 2016 ҳисобот йилига нисбатан истиқболдаги 2021 йилда республикамизда иқтисодий фаол аҳоли сонининг ўсиши (17,3%), ишсизлар сони (33,2 минг) ва унинг даражасини (5,2% дан 4,4% га) нисбатан камайиши кузатиладиган бўлса-да, бироқ мамлакатимизда ҳозирги вақтда ҳам яширин ишсизлик салбий ва муаммоли даражада қолмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни диверсификациялаш ва замонавий тармоқларни модернизациялаш жараёнида инновацион йўналишда меҳнат бозори ташкилий-иқтисодий базасини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

3-жадвалда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт секторларида янги иш ўринлари яратилишининг истиқболдаги параметрла-

¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий секторларида янги иш ўринлари яратилишининг истиқболдаги параметрлари вилоятлар кесимида, (2017-2021 йиллар)¹ (минг киши)

Худудлар (вилоятлар) номи	2016 ҳисобот йили	Истиқболдаги давр					2016-2021 й.да ўзгариш, %
		2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	
Қорақалпоғистон Республикаси	50 552	57930	59401	60777	62072	63294	125,2
Андижон	80 486	87877	89324	90665	91916	93090	115,7
Бухоро	73 850	86290	87404	88422	89358	90224	122,3
Жиззах	44 292	48062	48728	49337	49897	50416	113,8
Қашқадарё	89 121	97317	98714	99989	101162	102249	114,7
Навоий	41 245	44277	44793	45264	45697	46098	111,8
Наманган	75 849	82209	83443	84570	85606	86565	114,1
Самарқанд	95 522	102810	104243	105550	106754	107867	112,9
Сурхондарё	67 416	72237	73276	74224	75097	75905	112,6
Сирдарё	40 547	43164	43714	44216	44678	45106	111,2
Тошкент	88 513	96835	98425	99876	101212	102448	115,7
Фарғона	93 292	100875	102233	103473	104614	105670	113,3
Хоразм	60 611	66789	67862	68841	69742	70576	116,4
Тошкентшаҳри	95 907	100875	102233	103473	104614	105670	110,2
Ўзбекистон Республикаси	997203	1087547	1103793	1118677	1132419	1145178	114,8

рини вилоятларлар кесими бўйича ўзгариши келтирилган. Мамлакатимиз иқтисодий секторларида истиқболда янги иш ўринлари яратилиши 2016 йил ҳисобот даврида 997203 тани ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 14,8%га ёки 147975 тага ошиши кутилмоқда. Худудлар кесимида энг юқори ўсиш Қорақалпоғистон Республикаси (25,2%) ва Бухоро вилоятларида (22,3%) амалга оширилиши мумкин.

Республикамизда янги иш ўринларини яратилиши бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, истиқбол қилинаётган даврда (2017-2021 йилларда) республикамизда жами яратилган иш ўринлари 14,8%га ошади. Шундан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш (10,1%), кичик бизнес корхоналари ва якка табиркорликни ривожлантириш (2,6 марта), уй меҳнатини (касачиликни) ривожлантириш (4,6%), фермер хўжаликларини ривожлантириш (20,5%) ва ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфра-

тузилмасини ривожлантириш, корхоналар фаолиятини тиклаш (25,8 %) турли соҳаларда янги иш ўринларини яратилиши ҳисобидан ишчи кучига талаб даражаси ошишига эришилади.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири, унинг иқтисодий фаол қисми кенгайишидан иборат. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлиги унинг ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий-демографик жараёнлар бирлигидаги ҳаракатини акс эттиради.

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот баланси ҳар қайси йил ва унинг даврлари якунларига қараб тузилади ва улар асосида истиқболи белгиланади. 4-жадвалда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари балансининг истиқболдаги даврда (2017-2021 йил) ўзгариши акс этган.

4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, истиқболдаги – 2021 йилда жами меҳнат ресурсларининг 2016 йил ҳисобот даврига нисбатан умумий ўсиши 13,1% га, иқтисодий фаол аҳоли сони 14,4%, иш

¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

4-жадвал. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари балансининг истиқболдаги ўзгариши¹
(минг киши)

Кўрсаткичлар	2016 ҳисобот йили	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2016- 2021 й.да ўзгариш, %
Иқтисодий фаол аҳоли	14022,4	14562,3	14921,3	15288,7	15664,2	16048,3	114,4
Жами иш билан бандлар	13298,4	13823,2	14163,0	14510,7	14866,1	15229,6	114,5
Шундан:							
Иқтисодиётнинг расмий секторида	7908,0	8379,7	8528,1	8676,5	8824,9	8973,3	113,5
Иқтисодиётнинг норасмий секторида	4245,1	4430,0	4567,6	4721,7	4892,1	5078,9	119,6
Республикадан ташқарида ишлаш учун кетганлар	1145,3	1013,5	1067,2	1112,5	1149,1	1177,3	102,8
Ишга жойлашишга муҳтож шахслар	724,0	739,1	758,3	778,0	798,1	818,7	113,1
Ишсизлик даражаси, %	5,2	4,8	4,6	4,4	4,4	4,4	84,6
Иқтисодий нофаол аҳоли	4470,2	4769,9	4796,4	4820,7	4843,0	4863,6	108,8
Жами меҳнат ресурслари	18492,6	19332,2	19717,7	20109,4	20507,2	20911,9	113,1

билан бандлар эса 14,5 %га ошади. Шундан, иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар сони 13,5%, иқтисодиётнинг норасмий секторида эса 19,6 %га ўсишга эришилади. Бундан кўринадики, норасмий секторда иш билан бандликнинг ошиши меҳнат бозори эгилувчанлигини ошишига олиб келади. 2016 йилда жами меҳнат ресурсларининг 75,8% иқтисодий фаол аҳолини, мос равишда 24,2% иқтисодий нофаол аҳолини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 76,7% иқтисодий фаол аҳоли ва 23,3%ни иқтисодий нофаол аҳоли ташкил этади. Таҳлил натижалари бўйича келажакда кутиладиган ижобий ҳолатлардан бири, бу – 2021 йилга келиб, ишсизлик даражасининг (4,4%) 2016 йилга нисбатан қисқаришидир.

Иш билан бандлик хизматининг йиллар бўйи ривожланиши қонунлар, талаблар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар ўзгариши билан давом этмоқда. Шунга мос равишда фаолият йўналишларига батафсил

ва аниқ тузатишлар киритилмоқда. Бироқ давлат иш билан бандлик хизмати органларининг ташкилий тузилмаси шаклланиб бориши ва ривожланиши кўп йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Худудий даражада давлат иш билан бандлик хизмати шаклланишининг замонавий ташкилий тузилмаси иш билан бандликка кўмаклашиш бўйича бир қатор янги бўлимлар ташкил этилишини талаб этади².

Ўзбекистонда меҳнат бозорида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий ва демографак ҳолатлар ҳамда уларнинг ўзгариши иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасидаги ташкилий тузилмалар фаолиятига сезиларли таъсир этмоқда.

Меҳнат салоҳиятини тез суръатлар билан ўсиши иш билан бандликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда. Давлат иш билан бандлик хизмати орган-

¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тайёрланган.

² Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самардорлигини ошириш (Монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, -272 б.

ларида бўш иш жойлари мавжуд. Айрим даврларда ишчи кучига бўлган талабнинг қониқтирилмаганлик даражаси расмий ишсизлар сонидан 1,3-1,5 марта ортади. Бунга асосан, ишчи кучига талаб ва таклифнинг сифат кўрсаткичлари билан мос тушмаганлиги сабаблидир¹.

Ҳозирги вақтда давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлиги чегараланган доирадаги кўрсаткичлар билан баҳоланмоқда. Бунда гап одатда иш билан банд бўлганлар ҳақида эмас, балки иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳақида боради. Иш билан бандликни таъминлаш ҳолатини баҳолашнинг мезони ишсизлик даражасининг ўзгариши ҳисобланиб, агарда у камайса – иш билан бандлик хизматининг фаолияти самарали, агарда у ошса – самарасиз ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлиши зарур:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Қонунда кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг стратегиясини такомиллаштириш бўйича:

1.1. Иш билан бандлик хизмати органлари томонидан иш билан бандлик дастурини стратегик режалаштириш жараёнида келажакдаги потенциал ишчи кучи таклифи (корхоналардан озод этилаётганлар, ўқув юртларини битирувчилар, ҳарбий қисмдагилар, мактаб битирувчилари ва бошқалар) ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар асосида баҳолаб борилиши зарур.

¹ Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Уқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.

1.2. Малакали мутахассисларнинг резюме² бўйича маълумотлар банкни яратиш ва уларнинг индивидуал сифат таркибининг турли хиллигини таъминлаш.

1.3. Корхоналарнинг буюртмасига кўра мақсадли касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил этиш.

1.4. Корхона ва фирмаларда ходим иш жойининг иш ҳақи бўйича уни қаноатлантирилганлиги даражасини ишлаб чиқиш.

1.5. Иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини кун кечириш учун зарур бўлган миқдордан кам бўлмаслигини таъминлаш.

1.6. Ёшларни меҳнатга ўргатиш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш, уларни ёппасига касбга йўналтириш сиёсатини ишлаб чиқиш.

1.7. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча имтиёзлар яратиш.

2. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг йўналишларини такомиллаштириш бўйича:

2.1. Иш билан бандлик хизмати органлари ходимлари томонидан мижозларнинг қуйидаги гуруҳлари билан ишлашда табақалаштирилган тарзда ва индивидуал жиҳатдан ёндашиш: мактаб ўқувчилари; ҳарбий хизматдан озод этилган фуқаролар; ўқув юртлари битирувчилари ва бошқалар билан.

2.2. Иш билан бандлик хизмати органлари ишини иш билан банд бўлган фуқаролар, ҳақиқатда иш излаётганлар ва ишсизлар билан ишлашга ихтисослаштириш.

2.3. Иш берувчилар билан ишлашда корхонада иш билан бандлик масалаларига тегишли турли хил жараёнларни истиқболлаштиришдан тортиб, корхонани модернизациялаш, ривожлантиришда махсус буюртмаларни бажариш учун ходимларни мақсадли тайёрлашгача бўлган жараёнлар бўйича самарали методикани ишлаб чиқиш.

² шахсий варақалари (тахр.)

2.4. Иш билан бандлик хизмати органларининг энг фаол йўналишлардаги фаолиятлари бўйича имкониятларини кенгайтириш учун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар, яъни ногиронлар ва пенсия олдидаги ёшда бўлганларни камайтириш орқали уларга сарфланадиган молиявий маблағларни тежаш.

Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг асосий мақсади-фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, ишлашни хоҳлайдиган ва тезда унга киришмоқчи бўлганларга қаратилгандир. Юқорида келтирилган категориядаги фуқароларни, кам таъминланганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ижтимоий таъминот хизматига мувофиқ моддий қўллаб-қувватлаш объекти бўлиши зарур. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси маблағлари меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича фаол иш билан бандлик сиёсати ўтказишга тақсимланиши зарур.

2.5. Иш билан бандлик хизмати органларининг мижозлар билан ишлаш доирасини кенгайтириш, масалан, нафақа тайинлашда кишини пухта текшириш ёки алдов йўллари билан нафақа олаётганларни мунтазам назорат қилиш.

3. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолият самарадорликларининг кўрсаткичларига баҳо бериш бўйича:

3.1. Барча бўлимлар учун ахборотга эга бўлишни таъминлаш.

3.2. Бўлимлар ўртасида ҳамда туман меҳнат бўлимлари ўртасида тажриба алмашиш жараёнини ташкиллаштириш.

3.3. Туман меҳнат бўлимлари фаолиятларининг самарадорлигини баҳолаш ва мунтазам назорат этиш.

4. Меҳнат бозори ҳолатига баҳо беришда унинг мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича:

4.1. Иш жойларининг сони ва ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарур. Иқтисодий таромақларида юзага

келаётган таркибий ўзгаришлар натижасида корхоналардаги мавжуд иш жойларининг ҳаммаси ҳам шароити ва иш ҳақи тўлови бўйича мақбул ҳисобланмайди.

4.2. Ишчининг меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича унинг иш жойи характерига мувофиқлигини аниқлаш учун методика ишлаб чиқиш.

4.3. Корхоналарда кадрлар кўнимсизлигини камайтириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш.

5. Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг самарадорлигини ошириш бўйича:

5.1. Давлат иш билан бандлик хизмати органлари ва Кадрлар Агентликлари ўртасида тажриба алмашишни ташкил этиш.

5.2. Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари ўртасида ягона бўш иш ўринлари маълумотлар баъзасини вужудга келтириш ҳамда ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш.

5.3. Юқори малакали (эксклюзив) кадрлар бўйича икки томонлама маълумотлар банкини тузиш.

5.4. Иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасида фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

5.5. Аҳолини иш билан таъминлашда тармоқлардаги касбий малака бўйича ихтисослашиш.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар бўйича қуйидагича хулоса чиқариш мумкин; иш билан бандлик хизмати тизимида янги стратегия ишлаб чиқиш зарур, шундай экан, янги масалаларни бажаришни таъминлашда янги иш билан бандлик хизматининг ташкилий тузилмасини яратишга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун бугунги иқтисодий ўзгаришлар қатъий равишда зарур бўлган энг муҳим ислохотларни ўтказиш кераклигини ва иш билан бандлик хизматининг тез суръатлар билан ривожланишини талаб этмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (Монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, -272 б.
2. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. -332 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 январ, №11 (6705).
4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.
5. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2016 йиллардаги статистик тўплам.
6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. -512 б.
7. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55 - 56.
8. Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости // Вопросы статистики. - 1998. -N2 4. - С. 29-34.
9. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. 150-155 б.